Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 август, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 148 (1150)

# МЕҲНАТСЕВАР ЭЛИМ, БАХТИНГ БОР БЎЛСИН, ИСТИҚЛОЛ ҚАДАМИНГ НУРЛАРГА ТЎЛСИН!

*• «Халқ сўзи»нинг байрамолди анкетаси*

## БУЮК НЕЪМАТ

***1. Сиз ва жамоангиз истиқлол байрамини қандай кутиб олаяпсиз?***

***2. Мустақилликнинг тўрт йили мобайнида рўй берган қайси ўзгаришларни таъкидлашни истардингиз?***

***3. Истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни муваффақиятли якунлаш учун бундан буён нималарга эътибор бериш керак, деб ҳисоблайсиз?***

**Турсунали ПЎЛАТОВ, Чортоқ тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи:**

1. Республикамизнинг мустақиллигига тўрт йил тўлаяпти. Бу тарихан жуда қисқа давр. Лекин мана шу вақт ичида республикамизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, халқимиз ҳаётида рўй берган туб бурилишлар эътиборга лойиқ. Айни пайтда мустақиллик буюк неъмат эканлигини, уни қадрлаш, асраб-авайлаш лозимлигини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси юракдан хис этмоқда.

Тўрт йил давомида Чортоқда ҳам анчагина ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, барча давлат хўжаликлари мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтказилиб, жамоа хўжаликларига айлантирилди. Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда. Шунингдек, туманимиздаги Ҳазратишоҳ қишлоғида 150 ўринли бадиий буюмлар фабрикаси, ғишт заводи, тикувчилик цехи, «Пешқўрғон», Улуғбек номли, «Чортоқ» жамоа хўжаликларида 20 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ишга туширилди. Умуман, ҳаммаси бўлиб бугунги кунда туманимизда 631 та кичик корхона ва цехлар ишлаб турибди. Уларни ташкил қилиш туфайли 4000 нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланди.

Туманимиз меҳнаткашлари бу йилнинг олти ойини ҳам муваффақиятли якунладилар. Жумладан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 113, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 119, капитал қурилиш эса 150 фоизга уддаланди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ютуқларимиз чакки эмас. 230 тонна ўрнига 245,9 тонна пилла тайёрланди, яъни бу борада ўтган йилга нисбатан 33,5 тонна кўп маҳсулот етиштиришга эришдик. Ғалла мустақиллиги йўлида ҳам астойдил меҳнат қиляпмиз. Бу йил ҳар гектар ердан 40 центнерга етказиб ҳосил олинди. Шу билан бирга, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам юқори натижаларга эришилди. Буларнинг ҳаммасига республикамиз Президенти фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини изчил амалга ошира бориб эришяпмиз.

Айни пайтда мустақиллигимизнинг 4 йиллик байрамига ҳозирлик қизғин. Тўйга тўёна билан, деганларидек, байрам арафасида бир қатор янги иншоотларни қуриб фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. 2 та ўрта мактаб, Ҳазратишоҳ қишлоғида 400 ўринли маданият уйи, А. Навоий номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида дам олиш маскани, туман марказида эса 2000 кишига мўлжалланган ёзги театр биноси, йирик қишлоқлар марказларида гузар комплекслари ана шулар жумласидандир. Хуллас, байрамни биз, чортоқликлар ҳам бир тану, бир жон бўлиб, меҳнат муваффақиятлари билан кўтаринки руҳда кутиб оламиз.

2. Тўрт йил давомида республикамизда оламшумул воқеалар рўй берди. Ўз қомусимизга, байроғимизга, мадҳиямизга эга бўлдик. Бугун мустақил юртимиз жаҳонга юз тутмоқда. Шунингдек, бошқарув структурамиз такомиллашиб, республикамизда Президентлик жорий этилди.

Муҳим воқеалардан яна бири, республика Олий Мажлисига сайловлар биринчи маротаба кўппартиявийлик асосида ўтди. Ҳукуматимизнинг бошқарув органларига халқимизнинг энг муносиб фарзандлари демократия асосида сайландилар. Буларнинг ҳаммаси республикамиз тарихида қоладиган муҳим воқеалардир.

3. Энг аввало, юртбошимиз таъкидлаганларидек, республикамизнинг ҳар бир фуқароси элим деб, юртим деб ёниб яшаши лозим. Негаки, ҳар бир одам сидқидилдан меҳнат қилса, албатта кўзлаган мақсадига эришади. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда эса қут-барака бўлади.

Шунингдек, қишлоқларни саноатлаштиришга, кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва цехларини ташкил этишга эътиборни кучайтиришимиз лозим. Чет эллик сармоядорларни жалб этиб, қўшма корхоналар ташкил қилиш ва жаҳон андозаларига мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришимиз керак. Республикамиз келажаги буюк давлат бўлиши учун бугунги ёш авлод тарбиясига ва уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига эришиш керак. Биз ана шу мақсадда маориф ва маданият соҳасини юксалтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Айни пайтда туманимизда 5 та мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бундан ташқари, қўшма корхоналарни ривожлантириш мақсадида туманимизда Ҳиндистоннинг «ОСВАЛ» фирмаси билан ҳамкорликда ип йигирув қўшма корхонаси қурилиши давом этмоқда. Туркия билан ҳамкорликда 2 та «Иссиқ нон» цехи ишга туширилди. Бу борадаги ишларимизни янада ривожлантиришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш долзарб вазифалардан биридир. Бунинг учун деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш лозим. Шунда одамларда эгалик ҳисси кучаяди. Ўтган йили Францияда бўлдим. У ердаги деҳқон (фермер) хўжаликларининг фаолияти, иш юритиш услуби, ташкилотчилиги ва юксак маданияти менда катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг туманимизда францияликлар тажрибаси асосида «Барака», «Мамажон» каби фермер хўжаликларини ташкил қилдик. Ҳозир улар ўз самарасини бермоқда. Демоқчиманки, янгиликларни, илғор тажрибаларни ҳаётимизга қанча кўп татбиқ қилсак, ютуқларимиз шунча салмоқли бўлади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**А. МАДАТОВ**
**ёзиб олди.**



*Янгиқўрғон туманидаги «Гулшан» жамоа хўжалиги экин майдонлари асосан қир-адирликлардан иборат. Шу боис хўжалик деҳқонлари боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланишади. Бу йил соҳибкорлар 3 минг ўрнига 3 минг 500 тонна узум, 600 ўрнига 700 тонна мева етиштиришни мўлжаллаб туришибди.*



*Айни кунда хўжалик боғларида мевалар пишиб етилди. Уларни нес-нобудсиз йиғиштириб олиш барчанинг диққат марказида бўлмоқда.*

*СУРАТДА: мева теришда пешқадамлик қилаётган Марғубахон Мадумарова.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## СПОРТ БАЙРАМЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида 26 август — 3 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун халқаро мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди. Мажлисда вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Теннис бўйича Президент кубоги учун пойтахтимизда 1994 йилда илк бор ўтказилган халқаро мусобақаларга жаҳонда катта қизиқиш билдирилган эди. Бу йилги мусобақаларни янада юқори савияда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мажлисда мазкур тадбирни ўтказишга масъул раҳбарлар ахборотлари тингланди.

Шунингдек, мажлисда сентябрь ойининг охирида Тошкентда ўтказиладиган бокс бўйича Осиё чемпионатига тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича ҳам мутасадди раҳбарлар ахборот бердилар.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Ў. Исмоилов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЮНИСЕФ-ЭКОСАН ФОНДЛАРИНИНГ «АСПЕРА» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Орол денгизи минтақаси болалари ва хотин-қизларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ халқаро болалар фонди ва ЭКОСАН экология ва саломатлик халқаро фонди иштирокида соғломлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ЮНИСЕФ ва ЭКОСАН фондларининг Ўзбекистоннинг Орол денгизи минтақасида болалар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аспера» экология ва минтақавий ёрдам лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, «Аспера» лойиҳасини маблағ билан таъминлаш юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро ташкилотлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши «Аспера» лойиҳасини амалга оширишда, лойиҳа экспертлари ва консультантларига хизмат хоналари, турар жойлар ва автотранспорт бериш масалаларини ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги «Аспера» дирекцияси билан биргаликда:

кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишга оид ташкилий-техник чора-тадбирлар режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

унда лойиҳа дирекциясида уни амалга оширишнинг бутун даврида ишлаш учун бир нафардан малакали мутахассисларни, уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақларини сақлаган ҳолда, ажратишни назарда тутсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Аспера» лойиҳасини амалга оширишда ёрдам кўрсатсинлар.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси республикага «Аспера» лойиҳаси доирасида келаётган юкларнинг белгиланган жойгача ўз вақтида ташиб келтирилишини таъминласинлар.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги лойиҳа дирекциясини жойлаштириш учун ЭКОСАН фондига қўшимча 100 квадрат метр майдонга эга бўлган бино ажратсин.

7. Давлат солиқ қўмитаси «Аспера» лойиҳасини амалга ошириш учун республикага келтирилаётган юклар, асбоб-ускуналар ва дори-дармонларнинг пошлиналар ва божхона тартиб-қоидалари билан боғлиқ бошқа тўловларни ундирмасдан оператив тарзда ўтказилишини таъминласин.

8. «Ўздавтелерадио» компанияси, газеталарнинг таҳририятлари «Аспера» лойиҳаси қандай амалга оширилаётганини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсинлар.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 июль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси банклари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ҳамда фуқаролари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига амал қилмаганлиги учун «Ўзинбанк» акционерлик тижорат банкига банк операцияларини ўтказиш учун берилган лицензия 1995 йил 2 августдан қайтариб олинганини хабар қилади.

«Ўзинбанк» фаолиятини тугатиш комиссияси даъволарни эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилади.

*• Тадбиркорга омад ёр*

## ЖИЗЗАХЛИК ИШБИЛАРМОН АМЕРИКАГА БОРАДИ

***«Жиззахулгуржибиржасавдо» ҳиссадорлик жамияти давлат тасарруфидан чиқарилгач, қисқа муддат ичида унинг ишлаб чиқариш қамрови анча кенгайди. Бунинг асосий омилларидан бири — собиқ иттифоқ давлатлари билан узилиб қолган иқтисодий алоқаларнинг қайта тиклангани бўлди. Ҳозирда жамият Могилев ва Челябинскдан металл, Москва ҳамда Нижний-Новгороддан автомобиллар, Красноярск ўлкасидан ёғоч, Уфадан эса каучук олиб турибди.***

Кейинги икки йил ичида бу жамоа майда улгуржи дўконлар тармоғини ҳам кенгайтиришга эришди. Жиззах шаҳрида шундай учта шаҳобча иш бошлади. Пахтакор, Зомин, Дўстлик, Бахмал, Зарбдор каби қатор туманларда аҳоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қурилиш ашёларини айирбошлаш хизматига қаратилган улгуржи дўконлар фаолият кўрсатяпти.

Жамият тадбиркорлари ҳеч қийналмай хорижий алоқаларга ҳам чиқиб олишди. Айни пайтда Туркиянинг «Мевадиш тиджарет» фирмасидан тўртта кичик нон заводи ускуналари олиб келиниб, тез орада иккитаси ишга туширилди. Уларнинг ҳар бири кунига салкам олти тонна хуштаъм батон ва ширин кулчалар тайёрлаш қувватига эга. Яқин кунларда қолган иккитасини ҳам Жиззах шаҳрининг аҳоли тиғиз жойлашган мавзеларига ўрнатиш кўзда тутиляпти.

Ҳар сменада 4,5 минг литр тоза спирт берадиган, помидор бўтқаси (паста) ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар Германия ва Болгария ишбилармонлари кўмагида қурилмоқда. Яна болгар технологияси асосида сутни қайта ишловчи, колбаса тайёрловчи, ун ва омухта ем чиқарувчи кичик цехлар яқин орада ишга туширилади.

Ёрдамчи хўжалик тармоқлари ҳам кенгайди. Тадбиркорлар тижорат-воситачиликдан ташқари Зарбдор туманидаги Й. Қурбонов номли, Жиззах туманидаги «Ровот», Бахмал туманидаги А. Усмонов номли ширкатлар уюшмасидан шартнома асосида ер олиб, ғаллачилик, полизчилик ва боғдорчилик билан шуғулланяптилар. Улар иқтисодий жиҳатдан анча чўкиб қолган Бахмал туманидаги «Деҳқонобод» ижара хўжалигини ўз тасарруфларига олдилар. Хўжалик майдони минг гектардан иборат бўлиб, ғалла, картошка ва узумчилик билан шуғулланади. Эндиликда ишончли ҳомий топган деҳқонларнинг иқтисодий қийинчиликдан тезроқ чиқиб олишлари кафолатланади.

Жиззахлик тадбиркорлар довруғи вилоят доирасидан чиқиб ҳатто узоқ Америкагача бориб етди. Жамоа жаҳоннинг энг нуфузли мукофоти — «Бирмингам машъали»га сазовор бўлганлиги ҳақида хушхабар келди.

Нега мукофот айнан шу ном билан юритилади? Буни ҳиссадорлик жамияти раиси Ўринбой Қўлдошев қисқача шундай шарҳлади:

— Бу нуфузли халқаро мукофот Америка жанубидаги Бирмингам шаҳри номи билан аталишида сир бор. Бир вақтлар ўта мураккаб иқтисодий бўҳрон гирдобига тушиб қолган бу шаҳарни шу ерлик тадбиркор ва ишбилармонлар ўз маблағлари ҳисобидан қайта тиклаб, обод қилганлар. Мукофот таъсис этилишига ҳам шу сабаб бўлган эрса, ажабмас. Унинг ғолибларини махсус қўмита белгилайди. Қўмита таркибига жаҳондаги учта таниқли ташкилотнинг йирик бизнесменлари кирган. Булар — Халқаро бизнес етакчилари академияси маъмурияти, Иқтисодий шерикчилик ва молия институти ҳамда «Америка халқи элчилари» дастури каби халқаро ташкилотлардир.

Жамоанинг халқаро мукофот совриндори бўлиши катта воқеа бўлди. Танлов кенгаши ва мукофотлаш қўмитаси директори Пэк. И. Пик жаноблари бу хушхабарни йўллар экан, жамият раисини мукофотни топшириш маросимига таклиф этди.

Жиззахлик тадбиркорлар раҳбари океан орти мамлакатидаги касбдошлари фаолиятини ўрганиб, бой таассуротлар билан қайтишини тилаб қоламиз.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ФАХРИЙЛАРГА СОВҒА

Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси уруш фахрийлари учун ажойиб совға тайёрлади: «Қорақалпоғистон» нашриёти умумий баҳоси 52 минг 562 сўм бўлган «Қорақалпоғистон қаҳрамонлари» китобини 500 нусхада чоп этди.

Бу китобнинг муаллифи машҳур тарихчи, профессор Ш. Бобошевдир. Китобга уруш йилларида «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган 26 нафар ҳамюртларимизнинг таржимаи ҳоллари киритилган.

— Бу китоб уруш фахрийларига Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан жамоамизнинг тайёрлаган муносиб савғасидир, — дейди «Қорақалпоғистон» нашриёти директори М. Низонов.

Шунингдек, китобда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг уруш фахрийларига йўллаган табрикномалари ҳам чоп этилган.

**С. ЎРОЗИМБЕТОВ.**

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ЭНЕРГИЯ САРФИ ҲИСОБГА ОЛИНИШИ КЕРАК

***Тошкентдаги «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмаси, шунингдек, Андижондаги «Электраппарат» заводига бир фазали электр ўлчагичларни кўплаб ишлаб чиқаришга рухсат этилди.***

Ҳозирги вақтда электр қуввати, газ ва сув сарфини ҳисоблайдиган асбоблар етказиб бериш борасидаги алоқалар бузилгани сабабли Ўзбекистонда бундай асбобларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, бундай асбоблар четдан ҳам сотиб олинмоқда. Масалан, Россия ва Литвадан уч фазали электр ҳисоблагичларни етказиб бериш тўғрисида аҳдномага эришилди.

### КИТОБ ЯРМАРКАСИ

***Қарши шаҳрида мустақиллигимизнинг 4 йиллиги ва янги ўқув йилига бағишлаб китоб ярмаркаси ташкил этилди.***

5 сентябрга қадар ишлайдиган бу ярмаркада сиёсий ва ижтимоий, фан-техника, тиббиётга оид адабиётлар, ўқув анжомлари сотилмоқда.

### ЧЕТ ЭЛНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

**Бугунги кун харидори чет эл молларига ҳар қанча ўч бўлмасин, мамлакатимизнинг савдо шаҳобчаларида ял-ял товланиб, кўзни қамаштириб турган чинни буюмлар ёнидан эътиборсиз ўтиб кета олмайди. Сабаби — Тошкент чинни буюмлар заводида тайёрланган бу нарсалар ўзининг чиройлилиги, бежирим қилиб ишланганлиги ва сифати жиҳатидан чет элда ишлаб чиқарилганлардан асло қолишмайди.**

**Тошкент чинни буюмлар заводида ҳозирги кунда лаган, чойник-пиёла, коса сингари 30 турдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Завод маҳсулотларини истеъмолчилар зўр талаб билан харид қилмоқдалар.**



**СУРАТДА: тажрибали ишчи Мурожон Ортиқов заводда 11 йилдан бери ишлайди. У энг мураккаб буюртмаларни бажаради.**

### ЯНГИ ТЕЛЕСТУДИЯ

***Андижон вилоят давлат телерадиокомпанияси қошида «Тараққиёт» тижорат студияси кўрсатувларини бошлаб юборди.***

Хўжалик ҳисобида ишлайдиган бу студия ҳамюртлар истагини инобатга олиб, маънавият масалаларига оид қизиқарли телесуҳбатлар уюштиради, бозор муносабатлари муаммо ва ечимлари тўғрисида кўрсатувлар тайёрлайди, спорт эшиттиришларини экранга чиқаради.

«Тараққиёт» телестудиясининг оёққа туриб олишида студия ижодкорларига «Андижонбанк» акционерлик тижорат банки ҳомийлик қилмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

*· Мустақиллигимизнинг 4 йиллиги олдидан ·*

# АМУ ТОНГИ — МЕҲМОНИМИЗ

## УШАЛГАН ОРЗУ

***Ўз она тилларида газета ўқиш узоқ йиллар давомида Қорақалпоғистон ўзбекларининг орзуси бўлиб келган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу орзу ушалди. 1992 йили 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ўзбек тилидаги нашри — «Аму тонги»нинг нишона сони юз кўрсатди.***



Бу орада газета Республика Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг нашрига айланди. Биринчи навбатдаги вазифа редакцияни Тўрткўлдан Нукусга кўчириш, шу муносабат билан кадрлар масаласини қайта кўриб чиқиш эди. Тинимсиз югур-югурлар, саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бу муаммоларимиз ижобий бартараф этилди.

Газетамизнинг дастлабки сонларини икки киши бўлиб чиқарган бўлсак, бора-бора ходимларимиз сони ўн икки кишига етди. Ойда икки марта чиқадиган газета ҳафтада икки марта чоп этила бошланди.

Энг муҳими — газета халқ меҳрини қозонди. «Аму тонги» нафақат ўзбеклар газетаси, балки кўп миллатли бутун Қорақалпоғистон халқининг севимли нашрига айланди. Уни ўзбек ҳам, қорақалпоқ ҳам, қозоқ ҳам, туркман ҳам бирдай эъзозлайди. Ҳатто республикамиздан ташқарида ҳам муштарийларимиз борлиги бизни ғоят севинтиради.

Газетани юксак савияда чиқаришга интиляпмиз. Маълум маънода бунга эришдик ҳам. Кейинги пайтларда газетамизда чоп этилган «Кўзим чиқсин сени кўрганча мундоқ», «Давлат тили устидан кулишга ким ҳуқуқ берди?!», «Пиллакор нега ранжимоқда?», «Қизимни кўрган ҳизрлар», «Ҳужжатингни бер, Обид Асомов!», «Тўрткўлнинг шуҳрати тикланадими?» каби кўпгина фельетонлар, публицистик чиқишлар халқнинг газетамизга бўлган ҳурмат-эътиборини янада оширди.

Хулоса қилиб айтганда Қорақалпоғистон халқининг фаровон турмуш кечиришига муносиб улуш қўшиш «Аму тонги»нинг асосий мақсадларидан. Бугун эса турли мавзуларда ёзилган мақолалардан иборат мўъжаз бир гулдаста ҳозирлаб, эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

**Мансур АҲМЕДОВ,**
**газета бош муҳаррири.**



*СУРАТДА: Абу Райҳон Беруний хайкали.*

*· Ислоҳотлар йўлида ·*

## ҲУВИЛЛАБ ЁТГАН САҲРО БУГУНГА КЕЛИБ...

**Суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Элликқалъа тумани ҳокими Амин Тожиев**

— Гарчи туманимизнинг ташкил топганига эндигина йигирма йил тўлган бўлса-да, — дейди А. Тожиев, — аслида унинг ўтмиши қадим замонларга бориб тақалади. Тупроққалъа, Аёзқалъа, Гулдурсун, Қаватқалъа, Бургутқалъа... Бугун кўпчиликка маълум бўлган бу номлар ўтмишимиздан далолат бериб турибди. Тарихчилар кўп йиллардан буён бу жойларда илмий ишлар олиб боришмоқда. Уларнинг маълумотларига қараганда, аждодларимиз Амударёнинг ўнг соҳилидаги Қирққиз ҳудудидан Султон Увайс тоғ тизмаларига қадар, шимолдан эса Аёзқалъа этакларида яшаб, деҳқончилик қилишган. Тупроқ-қалъа эса III-IV асрларда Хоразмшоҳларнинг қароргоҳи бўлган. Мелоддан аввалги биринчи ва мелоддан кейинги олтинчи асрларга оид қадимги шаҳарларнинг харобалари бугунгача сақланиб қолган. Тупроққалъа ўзининг меъморий тузилиши жиҳатидан тўғри бурчакли бўлиб, гумбазсимон йўлак ва буржли мудофаа девори билан ўралган. Кўндаланг тушган кўчалар шаҳарни ўнта мавзега бўлган. Қалъанинг шимолий қисмидаги махсус кўтарма супа устига хом ғиштдан сарой қурилган, ёнида арк биноси жойлашган. Аркнинг уч буржи ҳам бор. Қалъада юзга яқин турар жой, хўжалик бинолари ва саккизта сарой зали топилди. Шунингдек, у ердан топилган юздан ортиқ ҳужжатларни ўрганиб чиққан мутахассислар унинг Хоразм ёзувида ёзилган бўлиб, биринчи — бешинчи асрларга оидлигини аниқлашди.

Элликқалъа ҳудудида Тупроққалъадан ташқари, яна 250 дан ортиқроқ ҳар хил қалъалар, қўрғонлар бўлган.

**— Элликқалъанинг янгидан ўзлаштирилганига ҳам йигирма йилдан ошди, дедингиз. Туманнинг ташкил топиш жараёни қай тарица кечган?**

— Маълумки, урушдан кейин янги ерларни ўзлаштириш учун ялпи ҳаракатлар бошланди. Бу ҳаракат 1972-1973 йилларда Элликқалъада ҳам авжига чиқди. 1977 йил 23 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Қорақалпоғистонда янги туман-Элликқалъа ташкил топди.

Ҳамма нарсани вақт ҳал қилади, деган гапда ҳикмат кўп экан. Ҳувиллаб ётган саҳро бугунга келиб, гўзал бир маконга айланди.

**— Туман, асосан, қишлоқ хўжалигига мослашган. Шу ҳақда ҳам икки оғиз гапириб ўтсангиз.**

— Бизда юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди.

Уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан банд. 17 жамоа хўжалиги мавжуд бўлиб, 521 минг гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Қишлоқ хўжалигининг асосини пахтачилик ташкил қилади.

Биз биринчи навбатда пахта навини яхшилашга эътибор бермоқдамиз. Ўтган йили биринчи марта «Бухоро-6» навини экандик. Давлатга 40 минг тоннадан ошиқ пахта топшириб, бу борадаги режамизни уддаладик. Ҳосилнинг 30 минг тоннадан кўпроғи юқори навларга сотилди.

Полиз-сабзавот экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштириб, халқимизнинг бу неъматларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга ҳаракат қилаяпмиз. Чорвачиликни ривожлантириш бўйича аниқ чора- тадбирлар белгиланган. Туманимиздаги мавжуд барча фермалар кишиларга хусусийлаштириб берилди.

Шу ўринда бир нарсани тўғри тушуниш керак. Бу тадбир қолоқ хўжаликларда туб бурилиш ясаш, мулкчиликни ривожлантириш мақсадларида амалга оширилди. Биз фермани эгасига топшириб, бу ёғига билганингни қил, қабилида иш тутмадик, балки уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпмиз. Ахир эртанги натижа бугунги ҳаракатта боғлиқ-да. Шу ўринда юртбошимизнинг: «Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларимизнинг илк самараларини кўрдик. Эндиги вазифа уларни собитқадамлик билан давом эттириш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб бартараф эта бориш, энг муҳими, одамларнинг ислоҳотга ишончини сўндирмасликдан иборат. Бу вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорация раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Уларни эски ақида ва одатлардан воз кечиб, замон билан ҳамнафас бўлишларини тақоза этади», дея таъкидлаган сўзлари бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил августда Элликқалъа туманида юзта эксперимент фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича махсус қарор қабул қилган эди. Ҳозир шу қарор ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, фермерлар уюшмаси ташкил қилиниб, уларнинг ҳар бирига ўн гектардан ер ажратилган. Улар ишончимизни оқлашаяпти.

Шу билан бирга, биз туманда кичик корхоналар ва турли цехлар барпо этишга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Хусусан, «Дўстлик» жамоа хўжалигида атлас тўқиш цехи фаолият кўрсатмоқда. «Боғён» жамоа хўжалигида платмассадан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. «Қирққизобод», «Боғиён», Ғ. Одилов номли, «Москва» жамоа хўжаликларида, пахта тозалаш заводида гилам, палос тўқиш корхоналари халқимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. «Боғиён», ал-Хоразмий номли жамоа хўжаликларидаги пахта тозалаш заводларида эса электрод ишлаб чиқариш цехларини ташкил қилдик. «Москва» жамоа хўжалигида йилига 3 миллион банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга консерва заводи фойдаланишга топширилди. «Қилчиноқ» жамоа хўжалигида яна бир консерва заводи ишга тушиш арафасида. Бу ерда йилига беш миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундай йўналишларда иш олиб бораётган 80 дан ортиқ кичик корхона ва ширкатларнинг ҳам иқтисодимизни ривожлантиришда муносиб улушлари бор.

**— Ўтган йили туманда ишга тушган «Элтекс» қўшма корхонасининг илк қадамлари ҳақида илиқ гаплар айтилмоқда.**

— Унинг фаолият бошлаши иқтисодий ҳаётда катта воқеа бўлди. Бу ерда йилига 60 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилади. Айни пайтда кунига минг дона болалар кийимлари тикилаяпти. Маҳсулотларни сотиш бўйича Германия билан шартнома тузилган.

Ҳозир корхона қошида механика ва тайёр эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш заводи филиали қурилаяпти. Қурилиш ишлари «Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш» ва Минск қишлоқ хўжалиги заводлари кўмагида амалга оширилмоқда.

**— Амин ака, туман ўзининг жаннатмакон боғлари, довруғи «Чимён», Чимкент оромгоҳларидан қолишмайдиган хушманзара санаторийлари билан Ўзбекистонга маълум...**

— Ҳар тонг шаҳар жамолини томоша қилишни хуш кўраман. Қараб туриб, баҳри-дилим очилади. Бўстон деса, бўстон бу шаҳар. Сиз Чимённи, Чимкентни айтасиз. Худо хоҳласа, бу ерлар Кавказдан ҳам, Швейцариядан ҳам гўзал бўлади. Бунинг учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни амалга оширамиз. Ҳозир туманимизда бешта санаторий ишлаб турибди. Яқинда Сарабийда ўқитувчилар учун 100 ўринли хордиқ маскани ишга туширилди. Бу ердан 650 метр чуқурликда шифобахш сув чиққан эди. Унда бел оғриғи, оёқ оғриғи касалликларига чалинган кишилар шифо топишлари мумкин. «Элтекс» қошида янги истироҳат боғи қурилиши бошлаб юборилди. Тошкент ботаника боғи филиали ишга туширилди. У ерда 70 хилга яқин мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари ўтказилди. Минг кишига мўлжалланган санаторий қурилиши давом этмоқда. Навоий санаторийси қошида янгидан 250 ўринли санаторий барпо этилаяпти.

**— Туманда ёш авлоднинг баркамол тарбия топиши учун нималар қилинаяпти?**

— Ўтган йили иккита янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 1994-95 ўқув йилидан бошлаб туманимизда тиббиёт билим юрти очилди. Ҳозир бу даргоҳда 80 га яқин талаба таҳсил олмоқда. «Бўстон» иқтидорли ёшлар лицейи ташкил қилинган бўлиб, унда физика, математика, инглиз тили курсларида юз нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Тумандаги ҳамма ўқувчиларни «Элтекс» маҳсулотлари билан бепул кийинтирдик. Ёшлар учун 20 минг ўринли стадион хизмат қилмоқда.

**А. МАНСУРОВ**
**суҳбатлашди.**

*· Тадбиркорга омад ёр ·*

## ҚАЛОВИНИ ТОПИБ, КИР СОВУНУ БЎЁҚ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАНЛАР

***Манғит шаҳрида яшовчи қўли гул уста Тоҳир Ўрозимбетов эпчил чиқиб қолди.***

Тўғри-да, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида кимки тадбиркор бўлса, ютқазмаслиги аниқ. Тоҳир акага кўп йил таъмирчилик ишлари билан шуғулланганлиги, бу касбда тўплаган тажрибаси қўл келди. У тўрт нафар ўғли ва бир қизи билан ҳар куни 200—300 килограмм атрофида турли хил бўёқ ва 50 килограмм атрофида кир совун ишлаб чиқармоқда. Тайёрланаётган маҳсулотлар бошданоқ ўз харидорлиги билан буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

1993 йили кузда бу саховатли киши «Мисгар» кичик хусусий корхонасини ташкил қилди. Иш бошлашдан олдин шундай заводларда бўлиб маҳсулот тайёрлаш технологияси билан танишди, агрегатларнинг ички тузилишларини ўрганди. Ишлатишга яроқсиз ётган темир ускуналарни йиғиб, пайвандлаб, бўёқ ва кир совун ишлаб чиқарадиган агрегатлар ясади. Яқинда Тоҳир ака билан суҳбатлашдик.

— Ҳозирги кунда корхонамизда 15 нафар ишчи меҳнат қиляпти. Уларнинг иш ҳақи ойига ўртача 1000 сўм. Соф фойда ҳисобидан ойлик маошларини янада оширмоқчимиз, — дейди у. Иш жараёни ҳақида эса шундай ҳикоя қилади.

— Водийдаги ер ости бойликларидан бўр, елим келтирамиз. Ёғ заводларидан эса ўсимлик ёғи чиқиндиларини оламиз. Бунга каучук содаси, қорабароқ кўп йиллик ўсимлигини аралаштириб қайта ишлаймиз. Инсон қўли гул, деб бежиз айтилмаган ахир. «Қаловини топсанг, қор ёнади». Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўлбола технологияси ҳақида тўла-тўкис айтишим қийин. Чунки буёғи сир.., — деб жилмайди Тоҳир ака.

«Мисгар»ликларнинг олдиндаги режалари ҳам катта. Улар келажакда қоғоз елими ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқчи. Бунга қўшимча яна гўшт ва сутни қайта ишлашга киришишни ҳам режалаштирмоқдалар. Корхонанинг ҳисобида фақат соф фойдадан йигирма минг сўм маблағ бор. Бу жорий йилнинг уч ойида режалаштирилганидан ташқари қўлга киритилгани. Келажакда эса бу ерда юзлаб ишчилар меҳнат қилишади. Хусусий ишлаб чиқариш корхонасига Тоҳир аканинг тадбиркор ўғли Бахтиёр раҳбарлик қилмоқда.

**А. ШЕРОВ.**

*· Деҳқончиликдаги муаммолар ·*

***Бундан йигирма йил муқаддам, Ёнбошқалъа қўриғига бошланган ҳужум етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида Кўкча кенгликларида давом эттирилди.***

## КЎКЧАДА ИШЛАШ ОСОНМИ?

**ёҳуд Тўрткўл туманидаги Кўкча қўриғининг аҳволи тўғрисида**

«Қирғизсовхозстрой» трестига қарашли бир неча бўлинмалар даштни бўлиб олиб, шиддаткорона иш олиб боришди. Натижада фақат Кўкча қўриғидан қарийб беш минг гектарга яқин ер ўзлаштирилди... Кўркам уй-жойлар бунёд этилди, узоқ чўл сари асфальт йўл, электр тармоғи тортилди. Бу жой дастлаб хўжалик ҳисобидаги участка, кейинчалик давлат хўжалиги сифатида фаолият кўрсатди. Айни вақтда эса жамоа хўжалигига айлантирилиб, фойдаланилаётган ерлар оила ва ижара пудратига бўлиб берилган. Афсуски, ўн беш йилдан бери деҳқончилик қилинаётган саховатли ернинг ҳосилдорлиги ортиш ўрнига камайиб кетмоқда, турар жойлар орасида, томорқаларда бирор туп мевали ва манзарали дарахт кўзга ташланмайди. Бунга не сабаб? Ер айбдорми, хўжалик раҳбарларими, балки шу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг парвойи фалакдир? Ёки...

Саволларимизга турли жойдан жавоб қидирамиз, муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз. Хўжалик раҳбарларининг, шунингдек, далаларда пешона тери тўкиб меҳнат қилаётган деҳқонларнинг фикрлари билан ўртоқлашамиз. Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқади: «Ернинг мелиоратив аҳволи жуда оғир. Ер ости сувлари юзага яқин».

Кўкчада хўжалик ташкил этилганидан буён унинг раҳбари тўрт марта алмашди. Дастлабки йиллари Рўзимат Алиев директорлик қилган давлат хўжалигида бор-йўғи 700 гектар ерда пахта етиштирдилар, ҳосилдорлик гектарига ўртача етти-ўн икки центнердан ошмасди. 1979-84 йиллар оралиғида очиқ дренажлар ўтказишга на хўжалик раҳбари, на мутасадди ташкилотлар эътибор беришмади. Давлатнинг не-не маблағлари эвазига ўзлаштирилган 3000 гектарга яқин майдон деҳқончилик қилишга яроқсиз аҳволга тушиб қолди. Хўжалик раҳбарини алмаштиришди. И. Матёқубов иш бошлаган кезда ҳам аҳвол бирданига ўзгара қолмади. Юқоридан берилган режа бажарилса бўлди, қабилида иш юритилди. Ерларнинг сифатини яхшилаш, суғориш, шўрини ювишга эътибор кам бўлди. Ҳосилдорлик ҳам илгари қандай бўлса, шундайлигича қолди.

Й. Қурбонов номли жамоа хўжалигига кўпни кўрган, қишлоқ хўжалиги соҳасида, бошқарувда анча тажрибага эга Иброҳим Жонтуовни ишга юборишди. Туман халқ назорати қўмитасини бир неча йил бошқарган, катта обрўга эга Иброҳим ака дарҳол бу ердаги шарт-шароит билан қизиқди. Ечимини кутаётган муаммоларнинг туб илдизини излай бошлади. Хўжалик мутахассислари, деҳқонлар билан маслаҳатлашди. Етакчи ишбошиларни жой-жойига қўйди, техникаларни, ер ишлагич механизмларни тартибга келтирди. Ёнилғи-мойлаш материалларининг сарфланишини, беҳуда юриб турган транспортларнинг ҳисобини олди. Хўжаликнинг молиявий томонини ўнглаш тўғрисида аниқ фикрларни, топшириқларни тегишли ходимларга топширди. Бироқ узоқ йиллар чўкиб қолган хўжаликни бирданига оёққа турғазиш қийин эди...

Касбим тақозаси билан Кўкча қўриғида ўн йиллардан бери кезаман. Хўжаликнинг ҳар бир даласи мен учун қадрдон. Кўзга суртса арзигулик, саховатли тупроқ шўрлаб, қадри қочиб бораётганидан афсусланасан, киши. Ҳар гал хўжалик бош агрономи Бахтиёр ака Бобожоновдан юқоридаги саволларимга жавоб кутаман. У киши эса ўз дардини қуйидагича изҳор қилади:

— Кўкча кенгликларидаги далаларнинг барчаси ҳосилдор тупроқли. Бироқ туман хўжаликларининг заҳкашларидан оққан шўр сувлар ҳудудимиздан ўтиб, анча қуйида жойлашган ерларимизга катта зарар бераётир. Захни тортиш қобилиятига эга очиқ дренажлар камлиги туфайли қишда ерларнинг шўрини ювдиришга жуда қийналаяпмиз. Шу кунларда ҳам деҳқончилик қилинаётган далаларимизнинг учдан икки қисми яроқсиз аҳволда.

— Ҳудудингизда ўзлаштирилиб, фойдаланилмасдан қолган ерлар ҳам анча бор шекилли? — дейман агрономга.

— Ҳа, юзлаб гектар майдонлар чўл қўйнида фойдаланилмасдан қолди. Чунки суғориш имконияти йўқ. Сув йўллари аниқ лойиҳа асосида олиб борилмаган, — дейди у куйиниб.

Беихтиёр ота-боболаримизнинг ҳар қарич ер учун пешона тери тўкиб меҳнат қилганлари кўз олдимга келади. Аждодларимиз таноб-таноб ерларни қўл кучи билан очиб, чиғирдан сув чиқариб, рўзғор тебратишган. Наҳотки, замонавий техникаларга бой ҳозирги даврда айниқса, бозор иқтисоди шароитида ердан мул-кўл ризқ-насиба кутилаётган кезда юзлаб, минглаб гектар далалар қаровсиз ётса?! Қани бу ерда замонамиз миробларининг, муҳандису-техникаларнинг она заминга иззати?

Ҳа, дарвоқе, ўз умрининг қирчиллама даврини қўриққа бахшида қилган инсон ҳақида бир-икки оғиз: Бахтиёр Бобожонов дастлаб Тўрткўл қишлоқ хўжалик техникумини, 1975 йили эса Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугаллади. 1976 йили олти ой бульдозер ҳайдади. 1977 йилдан бошлаб Кўкча қўриғида ишга киришди. Дастлабки бир ярим йил мобайнида бош муҳандис, 1979 йил май ойидан бошлаб эса бош агроном вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Янги ерларни ўзлаштиришдан тортиб, деҳқончилик қилиб, ҳосил кўтаришгача бўлган жараёнларда унинг ўзига яраша ҳиссаси бор. Бир сўзли, тўғри гапни кишининг юзига дадил айта оладиган, мустақил фикрига эга агроном хўжаликнинг ҳар бир аъзоси билан тил топишиб, меҳнат қилмоқда.

— Кўкчада раҳбарлар бир неча бор ўзгартирилса-да, сиз эса...

— Бу ерда ишлаш осон эмас. Лекин одамлар билан тил топишиш керак. Хўжалигимизда 117 та хонадон, 1500 нафар аҳоли яшайди. 15 та пахтачилик, 4 та бедачилик бригадалари мавжуд. Бу ерда яшовчиларнинг аксарияти шу ерда камол топиб, хўжаликни обод қилишга ҳисса қўшган кишилар. Баъзида қаттиққўлман. Иш жараёнида гоҳ койишга, гоҳида эса илтимос қилишга тўғри келади. Уларнинг барчаси доимо мени тўғри тушунади, деган фикрдаман. Шу боис улар билан аҳилликда узоқ вақтдан бери ишлаб келаяпман.

Кези келганда, ер қадрига етиб, астойдил меҳнат қилаётганлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтай. Юсуфбой Тўлаганов раҳбарлик қилаётган учинчи, Набилла Юсуфбеков бошлиқ бешинчи, А. Жиянбоев етакчилигидаги саккизинчи, Н. Нурмашев раҳбарлигидаги ўнинчи, К. Байдулов бошлиқ ўн иккинчи ва А. Нурқулиев дарғалик қилаётган ўн учинчи бригадаларда етарлича меҳнат қилинмоқда. А. Оллоберганов. Н. Шоуқбоев, Р. Матжонов, Н. Рўзимбоев, У. Сарсенов каби механизаторлар, З. Абдирамонова, Н. Нуримова, Ш. Саулебоева, Ж. Искандарова каби пудратчилар ўзларини ернинг ҳақиқий эгалари ҳис қилишиб, бор куч-қувватларини ишга солмоқдалар.

**Жумагелди АШИРОВ.**



*Ажиниёз номидаги Қорақалпоғистон Республикаси опера ва балет театрида кейинги пайтларда тайёрланган бир қанча саҳна асарлари муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Бундан руҳланган театр ижодий жамоаси яна янги-янги, элга манзур асарлар яратиш устида тинимсиз меҳнат қилишмоқда.*

*СУРАТДА: (чапдан) опера театри актрисалари Светлана Ширинқулова, Мирзагул Сафаева, етакчи хормейстер Айпара Толепова, Роза Кутенеева.*

*· Жавоҳирлар сандиғидан ·*

## УЧ КЎРГАН — ОТДАН ТУШИБ ҚЎЛ ОЛИШ

***«Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп» деб лутф қилган эди сўз мулкининг султони мавлоно Низомиддин Мир Алишер Навоий. Дарҳақиқат, адабиёт шундай бир катта бўстонки, унинг бағрида жаннат гуллари бисёр. Ана шундай мўътабар сиймолардан бири манғитлик марҳум санъаткор, адабиёт шайдоси Усмон Аҳмедов эди.***

Бу фидойи инсон умр бўйи Манғит мақолларини тўплаб юрган. Уларнинг кўпчилигини етук фольклоршунослар Ҳоди Зариф, Тўра Мирзаев, Мансур Афзалов ва бошқалар Тошкентда нашр қилдиришган.

Бугун у кишидан мерос қолган мақоллар «Аму тонги» кутубхонаси» сериясида алоҳида китоб ҳолида чоп этилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, халқ ичида ҳали бизга номаълум бўлган маънавий бойликлар жуда кўп. Жавоҳирлар сандиғидан асл хазиналар сизнинг ҳам бисотингиздан муҳим ўрин олади, деган умиддамиз.

**Аввалини бергунча, охирини берсин.**
**Адабли бўламан деб лол бўлайинми?**
**Аданнан топилса, тўрга ўтма.**
**Адашганнинг айби йўқ, қайта уйини топса.**
**Айланайин саллам сендан, ҳеч ким гумон этмас мендан.**
**Айрон сўраб келган идишни яширмас.**
**Айтилмаган қўноқ-йўнилмаган таёқ.**
**Айтишда отангни йиқ, мингаш-да уйингга қайт.**
**Алдамоққа бола яхши, Худо урсин қаррини.**
**Арзончилик бўлса олармандан, қимматчилик бўлса сотармандан инсоф кетар.**
**Ачув билан қартайсанг, кулги билан ёшарасан.**
**Ақлим бор-да, пулим йўқ.**
**Ақлинг бўлса ақлга эргаш. Ақлинг бўлмаса нақлга эргаш.**
**Болоқ тирилмай, балиқ тутилмас.**
**Бармоғин букмаган, палов емайди.**
**Балонинг сиртида бўлгунча, ичида бўл.**
**Бахшиники «ҳай» билан, мулланики «вой» билан.**
**Бақироқ туянинг бори яхши.**
**Берарда — «бисмилло», оларда — «астағфурилло».**
**Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури.**
**Бети қизилни уялтиб бўлмас.**
**Билак суринтирмаганни**
**билим суринтиради.**
**Бир гул тўлиб очилар,**
**Бир гул сўлиб очилар.**
**Бир кун бурун эксанг,**
**Ҳафта бурун ўрасан.**
**Бир кўрган — таниш**
**Икки кўрган билиш,**
**Уч кўрган — отдан тушиб қўл олиш.**

